

Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳнинг вафоти олдидан фикҳий масала борасидаги баҳси



16:40 / 05.02.2019 3168

Имом Қози Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ (Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий Куфий Бағдодий) ҳижрий 113 санада таваллуд топган ва 182 санада вафот этган бўлиб, Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг соҳиби, шогирди ҳамда у зотнинг илми ва мазҳабини тарқатувчиси ҳисобланади. Бу зот Аббосий халифалардан Маҳдий, Ҳодий ва Рошийд даврида қозилик қилган. Биринчи бўлиб «Қозилар қозиси» деган номга сазовор бўлган. Бу зотни «Дунё қозиларининг қозиси» деб аташган. Ана шу зот жон таслим қилаётган сўнги нафасларида ҳам бирор бир ўрганувчи ё толиби илмнинг манфаат олишидан умидвор бўлиб, ўзларини кўришга келган зиёратчилардан бири билан фикҳий масала тўғрисида баҳс юритган. Ҳаётининг энг охирги лаҳзасини ҳам илмий музокарасиз, фойда беришсиз ва савол сўрашсиз ўтказиб юбормаган.

Унинг шогирди қози Иброҳим ибн Жарроҳ Куфий Мисрий гапириб берган: «Абу Юсуф касал бўлиб қолди. Уни кўришга бордим. Борганимда у беҳуш ётганди. Ўзига келгач, менга: «Эй Иброҳим, бир масала тўғрисида нима дейсан?», деди. Мен: «Шундай ҳолатда-я?», дедим. У: «Бунинг зарари йўқ, дарс қилаверамиз, эҳтимол бирор киши бу дарсимиздан нажот топар?», деди. Сўнгра: «Эй Иброҳим, тош отишда, яъни ҳаж ибодатларида пиёда юриб отган афзалми ё уловда отган афзалми?», деди. Мен: «Уловда отган афзал», дедим. У: «Хато қилдинг», деди. Мен: «Пиёда юриб отган афзал»,

дедим. У яна: «Хато қилдинг», деди. Шунда мен Аллоҳ сиздан рози бўлсин, ўзингиз айтинг, дедим. У: «Агар ўша ерда дуо қилиш учун тўхтайдиган бўлса, пиёда юриб отган афзал, агар тўхтамайдиган бўлса, уловда отгани афзал», деди. Сўнгра мен унинг ҳузуридан чиқдим. Ҳовлиснинг дарвозасига ҳам етиб бормасимдан ичкаридан йиғи овози эшитилди. У зот вафот этганди. Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин».

Аввалги уламолар ва машойихларнинг тутган йўллари шундай эди. Зеро, улар: «Илм талаб қилиш бешикдан қабргачадир», дейдилар.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан